

# ТОНГ ЮЛАУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 78 (6820)  
1997 йил 8 октябрь чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

## ВАШИНГТОНДА ТАҚДИМОТ

Вашингтонда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти — илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Узбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси ва Жон Хопкинс университети ҳузуридаги ҳалқаро тадқиқотлар мактабининг Марказий Осиё институти «Марказиё Осиё бўйича академик тадқиқотларнинг аҳволи ва истиқболлари» ҳалқаро анжумани доирасида ўтган семинарнинг ташкилотчилари бўлдилар. Узбекистоннинг АҚШдаги элчиси С. Сафоев китобнинг асосий мазмуни ҳусусида тухталиб, йигилганларга Узбекистон раҳбариятининг Марказий Осиё минтақасининг барча нуқталарида барқарорликни сақлаш ва тинчлик ўрнатиш бўйича ташаббуслари ва амалий ҳаракатлар ҳақида сузлаб берди.

## МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Утган ҳафта Республика матбуотида Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни эълон қилинди. Мазкур ҳужжат Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган эди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ҳамда ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлашдан иборат. Қонун ҳалқ таълими ва олий таълим тизимида мутасаддилар, уқитувчи, мураббийлар учун дастурламал ҳисобланади.

## ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкентда Узбекистон Республикаси Президенти ҳузурида стратегик ва минтақаларро тадқиқотлар институтида «Марказий Осиё»: тараққиёт истиқболлари ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув» мавзууда ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Япониянинг Сасакава тинчлик жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларнинг иқтисодий тараққиётида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мұхим аҳамиятта эга экани, мазкур анжуман эса минтақа давлатларининг иқтисодий аҳволини ҳамда интеграция жараёнларини фаоллаштириш йулида юзага келаётган муаммоларни янада яқинроқ ўрганиш учун қулай имконият яратиши таъкидланди.

## Шу кунлар нафаси

Американи құдратли давлат қылган унинг «Дженерал Моторс», «Форд» компаниялари эмас, балки шу мамлакатдаги минглаб кичик ва ҳуссий корхоналардир. Шу боис, бизда ҳам

мана кўз очиб юмгунча ўлкамизга олтин куз кириб келди. Олма, узум, анор, ёнғоқ каби мевалар пишиди. Да-лаларда оппоқ паҳталар қийғос очилди. Полизларда қовун-тарвузлар гарқ пишиди. Илгор механизаторлар оппоқ паҳталарни, дехқонлар қовун-тарвузларни, бөгбонлар меваларни териб олмоқдалар. Хуллас ҳаммаёқда иш қизгин. Уқувчилар мактабга қайтдилар. Кузда ҳамма дарахтларнинг барги сарғайиб, ерга тўкилади. Шунинг учун

кечга яқин қаёққа қарамант ҳамма сув сепиб супурган. Куз фаслида қандайдир маҳзунлик ҳукм сурса ҳам мен бу фаслни жуда севаман. Аллоҳ назар солтан Ватанимизда тӯ

## ЮРТИМИЗНИНГ КУЗИ ҲАМ ГЎЗАЛ

кин-сочинлик айнан куз фаслида рўй беради. Ёзинг одам силласини қуриладиган жазирмали кунларидан сўнг, инсон танасига ҳуш ёқадиган салқин ҳаво кириб келади.

## Туйғу

Хавонинг мусаффолигидан осмон кўм-кўк ранг олади. Бундай тоза ва мусаффо оламда қуёш нурлари олтиндек товланади. Шунинг учун биз бу фаслни олтин куз деймиз. Олтин кузда юртимиз жамоли — қир-адирлар, пурвиқор тоғлар, далалару водийлар, дарё-ю кўллар узгача, жуда мафтункор тус олади. Мен шу ўлкада тугилиб яшаётганимдан баҳтиман.

**Дилдора АЗЛАРОВА,**  
169- мактаб  
үкувчиси



## ҲАФТАНИНГ ЕТТИ КУНИ

йирик корхоналар билан биргаликда кичик ва урта бизнесга ўтибор кучайтирилаётганини бежиз эмас. Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида кичик ва ху-

сусий бизнесни рагбатлантириш борасида Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг Мажлиси бўлди. Мажлиса бу борадаги муаммоларни бартараф этиши масалалари куриб чиқилди.

Саудия Арабистони Подполиги олий таълим Вазири Холид иби Мұхаммад ал-Аннарий бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан утган олти йил давомида таълим тизимида эриншилган ютуқлар билан таниндишлар. Меҳмонлар мазкур таълим тизими ни такомиллаштириш йулида юритаётган ҳукumatимиз сиёсатига юксак баҳо бердилар.

Дунёниң ҳамма халқлари, миллатлари ва элатларининг ўзига хос саломлашиш услуби бор.

Хиндистонликлар кафтларини жуфтлаб, пешонасининг ўртасига текказиб, «Намасте» сўзини айтишади. Бунинг маъноси «бош омон бўлса, ҳамиша сиз билан бирга буламиз» деганидир.

Ағонлар ўнг қўлини маглайига текказиб, таъзим баҳо келтиришади. Бу ҳам «бошмиз омон бўлсинг», деган истакни билдиради.

Хитойликларнинг саломлашиши «Чи-фин-ля-на» хитобини айтишидан иборат бўлди. Бунинг маъноси «Сен будун овқатландингми? Қорниң тўқми?» деганидир. Саломлашишнинг бундай шакли келиб чиқишини ҳам одамларнинг турмуш шароитидан қидирмоқ керак. Маълумки, Хитой тарихининг ҳамма даврларида ҳам аҳолиси кўп

# САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

*Турсунали Қурбонов узоқ йиллардан буён Фаргона вилояти халқ таълими бошқармасига раҳбарлик қиласди. Умрини ўқувчилар ўртасида ўтказаётган бу кекса устоз буш вақтларида ёшлар одоби ҳақидаги ўйларини қоғозга тушириб, яна бир савобли ишга қўл урган.*

*У киши орқали вилоятдаги барча ўқитувчиларни яна бир бор касб байрамлари билан табриклаб, эътиборинизга домланинг «Одобинг-обруйин» асаридан олинган бир бобни ҳавола қиласми.*

*«Тонг юлдузи»га обуна ҳам четда қолмасин, устозлар!*

булган. Бу эса озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа масалаларни ҳал қилишда анча қийинчилик тутдиради. Хитойда қорин тўйдириш доим муаммо бўлиб келган, шу сабабли ҳайвоноту набототнинг барча турларидан таом тайёрлаш услублари келиб чиқсан. Қорин оч-тўклигини сўраш — саломлашишнинг бир шакли сифатида келиб чиқишини-

нг боиси ҳам шунда.

Узбекистонда саломлашиш, куришиш, сўрашиш, илтифот кўрсатиш ва умуман одамга нисбатан ҳурматнинг кучли эканлигини ифодаловчи бу одатнинг йигирматача шакли мавжуд. Айниқса, ҳалқимизда миллий урф-одатларимизга кўра одобли кишилар ҳамма вақт биринчи бўлиб салом беришга ултурди-

лар. Кейинги вақтда ҳалқимизнинг урф-одатларини кўпроқ динга боғлаб, таъқиб қилинганлиги ҳатто саломлашишимизда ҳам рўй берди. Айниқса, ёшларимиз танимаган кишиларига салом бериш шарт эмас, деб тушунадилар. Шу сабабли ҳам кўпгина ёшлар: «Ҳаммага ҳам салом берилаверадими? Бегонага салом бериш шартми?» — дея сурайдилар. Ҳа, шарт. Бу одатлар ота-боболаримиздан бизгача етиб келган. Ҳалқимиз азалдан инсонга салом беришни бурч деб билганлар. Ҳатто Муҳаммад пайгамбар ҳам бутун умр буйи кишиларга, улар ким бўлишидан қатъи назар, хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин, биринчи бўлиб салом беришга ултурганлар.

Биз ота-боболаримиздан ме-

рос бўлиб келган бу одатни канда қилмаймиз ва ўзимисдан кейинги авлодларга месрос қилиб қолдирдик, бундай мероснинг энг зарур шарти: ҳар ким ўз фарзандига, шогирдига, ўзидан ёшга, болалар боғчаларида, мактабларда ва бошқа билим даргоҳларида усив келаётган ёш авлодларга ўргатишидадир.

Салом-алик қилиш, куришиш ҳам ўзига хос санъат булиб, уни юксак маданият даражасида бажармоқ зарур. Чунки, ута зукко ҳалқимиз кўпинча кишининг салом бериши, куришишидаги одобига қараб қанчалик тарбия кургани ёки кўрмаганлигига баҳо берадилар.

Маълумки, жамоатчилик томонидан бериладиган баҳо инсон ҳаётидаги ҳар қандай имтиҳондан юқори туради. Институтни ёки мактабни аъло баҳога тамомласа-ю, одамлар орасида ўз ўрнини, ҳурмат-эътиборини топиб, яхши ном ололмаса, у одамнинг иши юришиши анча мушкул бўлади. Шунинг учун инсонга ҳаётий баҳони ҳар доим кишилар — жамият аъзолари кўяр экан, демак, ҳар одам ҳалқ томонидан юксак баҳоланишга эришмоги лозим. Бундай юқори баҳо олишнинг бирламчи калити эса саломлашиш одобидир.



Эрталаб ишга кетаётган эдим. Қўзим йул бўйида онасига йиглаб ҳарҳаша қилаётган қизалоқ тушди. Онаси мени кўрди-ю, «ана, Дурдана, қарагин, анови опанг дуҳтир, сумкасида каттакон уколи бор экан», — дая қизчани қўрқитиб овутиш йўлига утди. Билсам, Дурдана шаҳардаги «Нилуфар» номли 46-богчага қатнаркан.

Янги ҳовлига кучиб утишибди-ю, Дурдана нинг bogchasi ўзгарибди. Эски bogchasiiga ўрганиб қолган қизалоқ янги bogchaga њеч куника олмабди. Гул bogchamga бораман, дермини.


— Нима учун bogcha «Гул» bogcha деб аталади? — сурадим ҳамроҳимдан. Бу даргоҳда наинки bogcha, bugun гурӯҳлар ҳам гуллар номи билан аталаракан. Атиргул, Настарин, Бойчечак, Чучмомо, Наргиз, Чиннигул, Лола, Бинағипа, Райҳон...

Хуллас, 12 та гурух номи ана шундай гузал гуллар номида, Дурдана эса «Настарин» турухила. Bogcha мудирии Махмуда Мирабдуллаевдан тортиб,

тарбиячиларгача ширина, меҳрибонлиги барча ота-оналарга ойдек равшан. Шу сабаб бўлса керак, кимнинг фарзанди bogcha ёшига ётди дегунча, шу «Нилуфар» bogchasiiga беришга шошиладилар. Тарбиячилардан Нили Мавлудова, Нина Слободчикова, Замира Тўйманова, bogcha услубчиси тар-

беклар, балки рус, ҳатто турк болалари ҳам тарбияланадилар. Бийрон-бийрон сўзловчи Дурдана Эклем Атэлло исемли турк ўртоги борлигини айтиб берди. Дурданадан қайси ўртоқларинг билан кўпроқ ўйнайсан, — деб сурадим. У бўлса, кичкина бармоқларини бир-бир юмганича, Муштари, Сабрина, Лола, Коля, Витя... дая санаб кет-

## «ГУЛ» БОГЧАЛАР КЎПАЙСИН!



биячиси Роза Нишонова, рақс ўргатувчиси Гулмира Юсуповалар болажонларнинг энг севимли қадрдонларидир. Айниқса, bogcha ёшиданоқ болаларга инглиз тилини, лотин алифбосини чукур ўргатиб бораётган Нилуфар Бегибоевадан тарбияланувчиларнинг ота-оналари жуда мамнун. Компьютерларни хонада болалар техника сабоқларини пухта ўрганишмоқда. Bogchada nafrakat ўз-


ди.

— Опажон, «Гул» bogchamизга келинг-а! — деди у яна.

Чинданам «Гул» bogcha ҳақида яхши гаплар эшитганман. Bogcha вилоятдаги кузга кўринган, замонавий услубда қурилган, барча қулагиларга эга маскан ҳисобланади. 20 йилдан буён мудирилик қилиб келаётган Маҳмуда опанинг ҳам, bogchada iшлаётган барча тарбиячиларнинг ҳам мақсади битта. «Болалар, бизнинг келажагимиз, келажак учун, унинг икбали учун барча шарт-шароитлар муҳайе бўлмоги зурур».

Қанийди, юртимизда шундай гул bogchalar kupaish!

**Нилуфар ДАВИДОВА,  
Андижон вилояти**



Узининг эзгу туйгулари ни сунгти томчисигача саҳро-дай чўллаган дунёга берган Шавкат Раҳмон гўзал инсон эди.

Атрофидаги ноҳақлик, адова, гийбатлардан сиқилиб кетган дамларида «Қанийди, — дерди у кўзлари ёниб, — Ушнинг баланд адирларига чиқиб, қовун-тарвуз эксанг ва ўша ерда чайла куриб яшсанг...»

Шавкат Раҳмоннинг бу истиғози жуда галати туюларди бизларга. Энди билсам, у руҳига тинимиз кенглиқ, адодлат, эзгулик излаган экан. Балки унинг сарҳадсиз армонларида илдиз отган ишқосинч эди. У ҳар лаҳза онасини, Ватанини, аёлинни севиб, согиниб яшарди. Шавкат Раҳмон дўстларининг оғир кунларига ҳамиша яраган эди. F. Гулом нашриётида ишланган пайтлари атрофи дўсту ёрларига тўлиб кетган эди. Дўстларининг бирортасига хиёнат қилмаган, аксинча, хиёнат қилганларини узининг чексиз садоқати билан уялтирган ростгўй ва ҳақиқатчи шоир поклиги боис бани одамиздинг кўзига тик қараб ўтди.

Унинг ишсиз юрган кунларининг бирида учратиб қолдим. У ёлгиз эди. Жуда ҳам ёлгиз эди. Куз қорашибларидан эзилган умиднинг чорасиз ранглари бор эди. Аммо руҳи ниҳоятда тетик эди. У ҳеч кимдан, ҳеч нимадан шикоят қилмас эди. Аммо, унинг синиқ овозида нимадир бор эди. Бутун мен уни англайман. Англаб туриб илтило қила-ман: дўстнинг хиёнатидан,

юрагингни тушунмаслигидан ўзинг асра!

Шавкат Раҳмонни охирги марта касалхонада кўрдим. Хонага кириб борганимда у

ни айтишга чоғланиб, айтольмай кетаётганидан қийналган бир ифода юзларида қотиб қолган Шавкат Раҳмоннинг жасади ишонтирди.

кетди.

Яна икки ойдан кейин баҳор келади. Ариқлар бўйида ҳулволар барқ уради. Шавкат Раҳмон келаётган баҳор-

## Хотира

наҳотки ҳақ бўлса  
элу юрт асли  
қуруқ сузлар деган  
гумроҳ дўстларим.

Наҳот бекор ўтди  
гулдай умримнинг  
минг йилга татирлик  
олтин чоғлари,

наҳот, бирор  
руҳни уйготолмади  
шоир юрагимнинг  
қалдироқлари.

Наҳот бирорта  
дилга етолмай,  
бехуда сарфланиб  
қанча куч-чидалам,  
келиб кетаверар

мэндай куйчилар.  
Менга минбар эмас,  
унвонлар эмас,  
латта чечаклару

эҳсонлар эмас,  
олов бир саҳрони,  
юртим хаёли  
нурда гуркираган  
саҳро беринг, бас.

Эрку муҳаббатнинг  
мухтор элчиси  
Ётмасман, тупроқка  
дуниб, тинчланиб  
жасадим тириқдир,

сруг дунёда,  
ойнинг синигидай  
чақнар синчларим.

Агар етти қават  
ернинг қаърида  
ётсам-да, ларзага  
солиб ҳавони,  
элимнинг юрагин

топиб боражак  
жиссимни куйдириб  
учган овозим.

Халима АҲМЕДОВА




дунёдан аразлаган дунёдай дебазага тикилиб ётарди. Кўзларида улимга қарши ҳаёт бор эди. Хайрият-еъ, анча тузук шекилли, — деб ўйладим. Аммо, юрагимнинг қаे-ридадир шум хавотир бор эди. Шавкат Раҳмон туғишганимдай яқин бўлиб қолганидан унинг оғир хасталикка йўлиқнанидан, чекаётган азобидан чуқур изтиробга тушган эдим. Шу хасталик бўйича мутахассис дўхтирлар сұхбатида бўлдим.

Шавкат акани яна бир бор кўздан кечиришларини илтимос қилиб олиб келдим. (Шунингиз ҳам Шавкат Раҳмон кучли врачлар назоратида эди). Назаримда қандайдир мўъжиза юз берадигандай туюлаверди. Аммо дўхтирлар ташқарига чиқиб, бошларини сарак-сарак қилиб «жуда кеч» деганида юрагимни яна ўша хавотир чанглаб олди.

Мен барип Шавкат аканинг улимига ишонмадим. Афсус, мени бу ҳақиқатга қандайдир армонини, сўзи-

Буюк тоғлар салтанатидан «Тошкентта шеър ва эрк» излаб келган магрур, ўжар шоиримиз буюк руҳлар салтана-тига ҳақ излаб кетди...

Руҳимни дунёга қўшиб ўстирдим,  
Энди табиатнинг доно тошиман.



Қаландар шамоллар сўйган дустимдир,

Ҳар бир чумолининг қариндошиман...

Шавкат Раҳмон хиёнатни билмаган дусти-шамоллар юртига, доно тошлар кўзида ёнган хаёллар масканига, замингасанчилган теракдай титраган хотиралар дунёсига

ни умидвор кутганди. Аммо. Ялангочда бир қабр бор. Баҳор ҳали ҳеч ерга қадам қўймай, аввал ўша қабрни кучади, балки, ҳулволари билан безайди ҳам. Баҳор бу қабрнинг — онаси, уксиниб уксиниб йиглайди. Шунда бутун теваракни камалак ранг согинч тутади. Бу Шавкат Раҳмоннинг Ватанга, аёлига, болаларига согинчи...

Биз энди Шавкат Раҳмонни согиниб яшаймиз. Ҳулволаргами, дараҳтларгами ёки буюк тоғларгами кўчган руҳини сезиб, баъзан сезмай ўтамиш. Юрагимиздаги согинч дарахти эса тобора илдиз отиб, усив бораверади...

Мана, у — баҳорни зор кутган кузакнинг бир парчасидай, ернинг бағрига бағрини берип ётган тоглардай магрур, садоқатли, самимий, тоглардай уйгоқ Шавкат Раҳмон...

Наҳот, шеърлар айтдим бушликқа қараб,

Наҳотки соврилди олов сузларим,

## Табрик

# ГУЛНОЗА

синглинг қандай яхши. Сенга шоколад олиб келибди. Уни яхши кўр. Мехрибон бўл. Ишларингга қарашади, сирлашасан у билан. Кўмакчининг, маслаҳатчинг бўлади», — дедилар. Қани менинг кўмакчим қандай экан, — деб унга қарадим. Қип-қизил жиши қушчага ўхшарди. Узоқ оғзини очиб эснаши, қўлларини кериб йиғлаши ғашимни келтириди. Йўқ, бир ой ўтмай куладиган, икки ой ўтмай қиқирлаб, товуш чиқардиган, уч ой ўтмай буви... дегандек

бўлди. 15 октябрда синглим бир ёшга тўлади. Ҳаммамизнинг овунчогимиз у. Қўғирчоқ ўйнашга ҳам вақтим йўқ. У менинг қўғирчогим. Дугоналарим билан ҳам кам гаплашаман. У менинг дугонам. Алла айтиб дейсизми, қўшиқ айтиб дейсизми, у билан гаплашаман. Сирдош им у менинг. Гулноза катта қиз бўл! Ҳақиқий кўмакчим, ҳақиқий меҳрибоним бўл!

Азиза Алимова,  
Тошкентдаги 220-  
мактаб ўкувчisi

-ТОНГ ЮЛДУЗИ-



TONG YULDIZI

Обуна бўлишга  
шошилинг!

ДИККАТ!

ДИККАТ!


ДИККАТ!

«Тонг юлдузи»да  
билимдон болалар  
саҳифаси!  
Ўз кучингни синаб  
кўр

### Бошқотирма


#### ОТ НЕЧА ЮРИШДА КАСРГА ЕТИБ БОРАДИ?

(Дарахтлар  
жойлашган катакча-  
ларга юриш мумкин  
эмас)



Жавоб

## ТОПИШМОҚ ЧАЙНВОРД



1. Кундузи кўрпа ёпар,  
Кечаси очик ётар.
2. Атлас кўйлак қаноти,  
Хуш хабарчи одати.
3. Малла мушук,  
Бўйни қийшиқ  
Ўзи пишиқ,  
Бурни қийшиқ.
4. Тутган ерини кесар.
5. Ўзи ҳайвон, сочи айвон.
6. Гардиш каби юмалоқ,  
Кумуш ҳалқали бироқ.  
Қушиқ-кўйга жур бўлар,  
Ижрочига йўл булар.
7. Қўйворсам юз қулоч,  
Йигиб олсан бир қулоч.
8. Тепдим-тепдим,  
Теракка чиқдим.
9. Бўйи пастдек таёғим  
Енгил қушдек таёғим.  
Тешигидан пуфлассам  
Чалар ҳуштак таёғим.

**Жавобларни**  
**Тошкент** — 83,  
матбуотчилар кўчаси,  
32, «Тонг юлдузи»га деб  
ёзинг.

## БЎШ ЎТИРМА

Мазкур саҳифа орқали, ўз билимингизни синаб куришингиз мумкин. Энг билимдон мухлисларимиз «Тонг юлдузи» совгаси — хорижда ишлаб чиқарилган ВЕЛОСИПЕДГА эга бўлади, у барча саводларга биринчи бўлиб жавоб йўллаган бўлиши шарт. Фақат бир шартимиз, жавоблар газета саҳифасининг айнан ўзига тўлдирилиши ва шу йилнинг 15 декабригача бизга юборилиши керак.

Жавоблар қўйидаги баллар асосида ҳисобланади:

Кроссворд — 5 балл

Бошқотирма, чайнворд, ребуслар — 4 балл

Топишмоқлар — 3 балл

Синф раҳбарингизнинг номи  
Ислам - фамилиянигиз  
Манзилингиз

## ТОПИШМОҚ

17 ТУЯ

Бир қариянинг уч ўғли бўлган экан. Қария ўлими олдидан ҳамма туйларини фарзандларига васият қилиб қолдирибди.

Туйларнинг ярмини катта ўғлига,


Учдан бирини ўртанча ўғлига,

кенжা ўғлига тўққиздан бирини атаган экан.

Туйларнинг сони 17 та бўлиб, на иккига, на учга, на тўққизга булинар эмиш. Шу вақт бир донишманд ўз тусида ўтиб қолибди. Ака-укалар донишманддан бойликни булиб беришни сўрашибди. Донишманд қандай булибди? Йўқ, аввал сиз ўйлаб кўринг-чи?

Жавоб: катта ўғилга —  
туя, ўртанча ўғилга —  
туя, кенжা ўғилга —  
туя тегади.

## Ҳикматли сўзни топинг



## Жавоб

## ЭСЛАТМА

Азиз болалар! Китоб нон каби азиз саналадиган юртимизда ёш авлод маънавиятини баркамоллаштириш учун жiddий кураш кетяпти. Ёшларга нашрлар баҳоси тобора арzonлашиб, қулайлашиб бориши ҳам шундан далолат. Чунки ўқимаган ўқмайди. Ўқмаган ҳатто ўз қадри-қимматини ҳам билмайди. Ана шу билмасликдан қутулишнинг энг биринчи йули — ўз газетангиз «Тонг юлдузи»га обуна бўлишидир. «Тонг юлдузи» ҳар ҳафта сизни икки марта йўқлаб боради. «Буш ўтирма»йсиз у билан бўлиб. Дунё воқеаларига, замон ўзгаришларига, тенгдошларингиз ҳаётни, ўз оламингизга сергаклик билан қарайсиз. Тинчлик учун, ватанпарвар фарзанд бўлмоқлик учун, фаровон умр кўрмоқлик учун сабоқни ҳам ўз газетангиз — «Тонг юлдузи»дан оласиз. Бундан ташқари йил бўйи сизни деб ёниб ишлаб, ёниб ўшаб юрганлар ўз совга саломларини турли баҳоналар сабаб, масалан, топишмоқни тўғри топганингиз учун, бошқотирмани тўғри счганингиз учун... деганиларидек сизга айнан шу «Тонг юлдузи» орқали улашадилар. Шошилинг, обуна бошланди. Газетага бу йил қўйидаги индекс берилди:

«Тонг юлдузи» (якка обуначилар учун) 198.

«Тонг юлдузи» (ташкилотлар учун) 199.

## ТОНГ ЮЛДУЗИ

## Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

## Бош муҳаррир: УмидАБДУАЗИМОВА

## Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора Йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муҳимжон КИРҒИЗБОЕВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Исламидиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терисиди ва саҳифаланди. Оғсегт усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-0668. 10960 нусхада босилди. Когоз бичими — А-3. Босингга топнириш вақти 19.00. Топнирилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир Ф. Одилова

- Рўйхатдан ўтириш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
- Матбуотчилар кўчаси, 32-йи.
- Нашр курсаткичи: № 64563
- Телефон: 1-33-44-25